

# **Нафақа ва пенсиялар масаласидаги саволларга жавоб берилди**



“Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало инсон манфаати учун хизмат қилишига қаратилган. Бугунги кунда ҳар бир соҳа раҳбарлари аҳоли ичига кириб, ўзи раҳбарлик қилаётган тизим юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини тинглаб, уларга жавоб бермоқда, қонуний мурожаатлар ҳал этиб берилмоқда.

Шу мақсадда, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Термиз туман бўлими бошлиғи Эркин Тангриев туманинг “Гулбаҳор”, “Учқизил” ва “Янгиобод” маҳаллаларида нафақа ва пенсиялар масаласида фуқаролар билан сайёр қабуллар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни ва қонуности хужжатларига муттасил киритиб борилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида тушунтиришлар берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 654-сонли қарори талабларига мувофиқ, болалар нафақасини тайинлаш ва тўланиши борасидаги фуқароларнинг мурожаатларига ҳуқуқий тавсия ва қонуний йўл-йўриқлар кўрсатилди. Айрим мурожаатларга учрашув давомида ижобий ечим топилди.